Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 7 август, чоршанба • №62 (11.450) • Эркин нархда сотилади


## «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига

*Азиз ўғил-қизларим!*

*Авваламбор, мураккаб ва масъулиятли синовлардан муваффақиятли ўтиб, тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли университетларда таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, сизларга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.*

*Озод ва обод Ватанимиз бағрида камолга етиб, ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла рўёбга чиқариш иштиёқи билан яшаётган сиздек ёш авлод вакилларини жаҳоннинг обрўли олий ўқув даргоҳларига кузатиш, оқ йўл тилаш менга ҳар сафар катта мамнуният бахш этади.*

*Чунки мен сизларнинг сиймонгизда Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини, ота-онларингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз қалбидаги эзгу ва олижаноб интилишларнинг ёрқин ифодасини кўраман.*

*Бугун сизларнинг зиммангизга мана шундай юксак ишончга муносиб бўлиш, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг ворислари эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда.*

*Қадим ва табаррук юртимиз тупроғига Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ мутафаккир ва алломалар сочиб кетган илму маърифат уруғи бугун сиз каби минглаб ёшларимиз тимсолида янгитдан ҳосил бераётгани ҳар бир юртдошимизга юксак ғурур-ифтихор бахш этади.*

*Ишонаманки, сизлар ҳозирги замоннинг энг илғор ютуқларини пухта эгаллаб, орттирган билим ва тажрибаларингиз билан ўзингиз униб-ўсган, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган мана шу замин равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, халқимиз, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчингизни шараф билан адо этасиз.*

*Сизларни хорижнинг энг нуфузли билим даргоҳларида таълим олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан яна бир бор қутлар эканман, узоқ ва хайрли сафар олдидан оқ йўл тилайман.*

*Юртимиз муҳаббати, халқимиз меҳри қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин. Эзгу мақсадлар сари ташлаётган қадамингиз қутлуғ бўлсин, Яратганимиз барчангизни ўз паноҳида асрасин.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ОҚ ЙЎЛ, ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ!



«Умид» грантининг янги совриндорлари энг илғор билим ва тажрибаларини эгаллаб халқимиз, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчларини шараф билан адо этишга отландилар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўзининг буюк келажагига юз тутди. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Бу жараёнларнинг муваффақиятини фақат замонавий илм-фан, техника ва технологияларни пухта эгаллаган, жисмоний ва маънавий етук кадрлар ҳал қила олиши боис уларни тарбиялаш, ўқитиш ва озод Ватан хизматига тайёрлаш устувор йўналиш касб этди.

Ўша қизғин изланишлар кези Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини рағбатлантириб, қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармасини ташкил этиш ғоясини илгари сурди, бу ҳақдаги махсус фармон имзоланди. Мана беш йилки, иқтидорли йигит-қизлар сараланиб, жамғарма йўлланмаси билан хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида ўқиб, бакалавр ва магистрлик даражасига етишади.





Ўтган йиллар мобайнида 785 ёш мутахассис Америка, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия ва Канада олий ўқув юртларида ўқишга юборилди. Турли илм даргоҳларини битириб, мамлакатимизга етук мутахассис бўлиб қайтган 519 йигит-қиз бугунги кунда эл-юрт хизматига камарбаста. Улар бошқарув ва ишлаб чиқаришнинг турли бўғинларида самарали меҳнат қилиб, ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятда демократик янгиланишларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Куни-кеча 2002—2003 йилги «Умид» грантлари совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари ва чет эл олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Ўтган йилнинг сентябрида бошланган саралаш синовлари мобайнида 470 даъвогардан 43 йигит-қиз ҳорижда магистратура дастури бўйича таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улардан 35 нафари Буюк Британияда ўқиш учун отланяпти. Шу ёшлар орасида Тошкент Давлат Аграр университетининг икки вакили — Ҳусан Боқиев билан Муродилла Бозоровлар ҳам бор. Улар Буюк Британия олийгоҳларида қишлоқ хўжалик иқтисодиёти йўналиши бўйича магистрлик даражасини олиш учун ўқишга жўнашмоқда.

Эзгу мақсадлар йўлида қўяётган қадамларингиз қутлуғ бўлсин, азиз фарзандлар!

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари дастури маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган объектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари белгиланган савдо ва нақд тушумни топшириш қоидалари бузилишининг солиқ органлари томонидан аниқланган ҳоллари бўйича чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатишгача бўлган қаттиқ чоралар кўрсинлар.

3. 2002 йил 1 сентябр-

**(Давоми 2-бетда).**

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ҲАШАРДА БАРЧА ҚАТНАШАДИ

**Юртимиз мустақиллигининг 11 йиллик тантаналари арафасида Чиноз туманида ҳам бир қанча тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.**

Хусусан, туманни байрамга муносиб хозирлаш мақсадида 17 августда оммавий ҳашар ўтказиш режалаштирилган.

Шу куни тумандаги барча корхона ва ташкилот, муассасаларда, шунингдек, шаҳарча ва қишлоқларда ободончилик ва тозалаш ишлари олиб борилади. Ҳашардан тушган маблағнинг 50 фоизи вилоят ижтимоий ривожланиш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади. Қолган қисми эса, туманда байрамни юксак даражада нишонлаш ишларига сарфланади.

***Ўз мухбиримиз.***

### КЕКСАЛАР УЧУН ОРОМГОҲ

**Юқоричирчиқ туманида мустақиллик байрами кунларида бир қанча қурилиш иншоотлари ишга туширилади.**

Шу жумладан «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан Аҳмад Яссавий ширкат хўжалиги ҳудудидаги физиотерапия касалхонаси ўрнида «Қариялар сиҳатгоҳи»ни ташкил этиш режалаштирилган.

Айни кунда қайта таъмирлаш ва қўшимча бинолар қуриш ишлари якунланмоқда.

***Ўз мухбиримиз.***

### КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

**Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Оҳангарон шаҳридаги «Оҳанграбо» чойхонасида тўкин дастурхон атрофида 120 нафар отахон ва онахонлар билан учрашув бўлиб ўтди.**

Шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими томонидан уюштирилган тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Тўтихон Юсупова ижро этган саҳна кўринишлари, шоиралар Роҳила Ҳафизова ва Зарифа Эралиевалар ўқиган шеърлар иштирокчиларни мамнун этди.

Учрашув ниҳоясида тадбир ҳомийлари меҳнат фахрийларига ўзларининг эсдалик совғаларини топширдилар.

***Ўз мухбиримиз.***

### ЯНГИ МАЖМУА ҚАД КЎТАРМОҚДА

**Қибрай тумани марказида яна бир шифокорлик маскани қад кўтармоқда. Бу «Она ва бола» мажмуидир.**

Унда бир йўла 120 нафар оналар ўз фарзандлари билан даволанишлари мумкин. Бундан ташқари, туғиш ёшидаги аёллар тиббий текширувдан ўтиб турадилар.

Тиббий хизматнинг янги муассасасини қуриш учун сал кам уч юз миллион сўм сармоя ажратилган эди. Шу вақтгача унинг 220 миллион сўми ўзлаштириб бўлинди. Қурилишда қатнашаётган 120 кишилик бинокорлар жамоаси мажмуани республикамиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги олдидан фойдаланишга топширишга аҳд қилганлар.

***Даврон АҲМЕДОВ.***

## Вилоят ҳокимлигида

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармаларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.**

Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди. Йиғилиш иштирокчилари вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармасининг бош врачи Маҳмуд Ўлмасовнинг безгак, ичтерлама, куйдирги сингари юқумли касалликларга қарши амалга оширилаётган тадбирлар ҳамда ОИТС (СПИД) касаллигига қарши курашнинг бугунги кундаги аҳволи ва унинг олдини олиш чоралари ҳақидаги ахборотини тинглашди.

Мажлисда жойлардаги ўта хавфли, юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият таҳлил қилиниб, унинг олдини олиш чора ва тадбирлари кўрилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Лекин, вазият бу саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштиришни, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини жонлантиришни, ветеринария-санитария назоратини кучайтиришни тақозо этади.

Йиғилиш кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2004»

**Куни кеча вилоят ҳокимлигида «Умид ниҳоллари — 2004» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда ташкилий қўмита аъзолари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда 2004 йилда Тошкент вилоятида ўтказиладиган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев ахборот берди.

Йиғилишда мазкур нуфузли тадбирга тайёргарликнинг бориши, жойларда белгиланган тадбирларнинг қандай ижро этилаётганлиги тўғрисида сўз борди.

Айни вақтда вилоятимизда ўтказиладиган ушбу тадбирга тайёргарлик ҳар томонлама юксак савияда олиб борилиши зарурлиги ва бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди ва қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

***Ўз мухбиримиз.***

## ҚИЗҒИН ДАМЛАР

**Оққўрғон туманидаги уруғчиликка ихтисослашган Охунбобоев номли ширкат хўжалигида шу кунларда ғўза парвариши ҳал қилувчи паллага кирган. Қатор ораларини юмшатиш ва озиқлантириш ишлари — обитобида бажарилмоқда.**

— Бу йил 582 гектар майдонга чигит эккан эдик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Раҳимжон Ҳакимжонов. — Ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида толаси саноатбоп, жаҳон бозорида ҳаридоргир «С-6524» навини экиш яхши натижа бераяпти. Бу йилги мавсумда хўжалигимизда уруғлик пахта етиштириш билан 224 оилавий пудратчи шуғулланяпти. Ўтган йил якунларига кўра, жамғарган даромадимиздан пудратчиларга 4 миллион 600 минг сўм дивиденд тўланганлиги уларни бу йилги мураккаб шароитда ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга руҳлантиряпти. Улар бу йил 1540 ўрнига 2000 тонна пахта хирмони кўтаришга аҳд қилишган.

Далаларни айланар экансиз, ҳақиқатдан ҳам деҳқонлар тер тўкиб қилаётган меҳнатларининг натижаларини кўрасиз. Ғўза қатор ораларида биронта бегона ўт кўринмайди. Шокир Арслонов, Шокир Файзиев, Бердиёр Жуманов ва бошқа механизаторлар ғўзаларга зиён етказмай культивацияни сифатли бажарганлар. Барча майдонлар минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Ҳар гектар майдонда 95 минг тупгача кўчат бор. Ҳозиргача 93 фоиз майдондаги ғўза чеканкадан чиқди. Ғўзаларда ўртача 6 тадан бўлиқ кўсак бор. Муҳиддин Тошбоев, Комил Маматқулов, Эркин Ортиқов, Саидкарим Умрзоқов каби тажрибали пудратчиларнинг далаларида эса ҳар тупда 8-9 тагача кўсак санадик. Хўжаликда энг муҳим тадбир — сув қуйиш яхши йўлга қўйилган. 60 дан ортиқ сувчи ғўзани тунда қондириб суғоришга эришмоқда.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***



*СУРАТДА: Бўка туманидаги Йўлдош Ҳожиматов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси Баҳриддин Сангинов (чапда) пудратчи Дўстмуҳаммад Азаматов билан ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда.*

**Даврон АҲМАД сурати.**

## Фазогирлар мактаби машғулотлари якунланди

**Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Қизилсой" оромгоҳида иқтидорли ёшларнинг 14-Халқаро аэрокосмик мактаби машғулотлари якунланди.**

Ўн икки кун давом этган машғулотларда юртимиз ёшлари билан бир қаторда Франция, АҚШ, Россия, Қозоғистон каби мамлакатлардан келган ўқувчилар муҳандислик, аэрокосмос, компьютер техникаси каби замонавий фанларга оид ўз билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлади.

Машғулотларда Владимир Жонибеков, Солижон Шарипов каби космонавт-учувчилар, йирик олимлар, конструкторлар, тадқиқотчилар иштирок этди. "Ўзбекистонда коинот бўйича тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари", "Йирик космик конструкциялар", "Экология ва коинот", "Космонавтларни танлаш ва тайёрлаш" каби илмий маърузалар тингловчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Ўқув доирасида замонавий компьютерда ишлаш, кашфиёт масалаларини ечиш, енгил моторли самолётлар моделини ясаш ва учириш бўйича лаборатория ва амалий машғулотлар, шунингдек, турли мусобақалар, расмлар танлови, ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказилди.

Тадбирнинг энг фаол ўқувчилари Халқаро ёшлар аэрокосмик мактабининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

***ЎзА мухбири.***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

дан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларидан нақд маблағларни топширилган нақд тушум доирасида белгиланган тартибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилсин.

4. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинсин.

Белгилансинки, 2002 йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар юридик шахслар ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ушбу даромадлардан солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда тақдим этадилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бир ой муддатда алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан нақд пул берилиши бўйича ахборотларни электрон айирбошлаш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

6. Турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан корхоналар ва ташкилотлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган савдо қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликнинг қуйидаги чоралари белгилансин:

нақд пул тушуми яширилиши ҳолати аниқланган тақдирда солиқ органининг қарорига кўра яширилган нақд пул тушуми миқдорида белгиланган тартибда жарима ундирилади;

назорат-касса машиналари қўлланилмасдан, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда квитанцияларнинг кўчирмасисиз, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва хизматлар кўрсатилганда ундирилган сумма давлат бюджетига йўналтирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима ундирилади, жарима жазолари қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида такрорий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда – энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида жарима ундирилади.

7. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарори билан белгиланган юридик шахслар (товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни улгуржи етказиб берувчилар) томонидан товарларни улгуржи сотиш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ундириб олинади ва айбдор мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда шу миқдорда жарима солинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилинишига алоҳида эътибор берилсин. Айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Молия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга босқичма-босқич ўтишни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябргача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Тижорат банклари чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет карточкалари қабул қилинишини таъминловчи терминаллар тармоғини кенгайтирсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконлари очиши чора-тадбирларини кўрсин, улар аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда банкдан ташқари муомалани чеклаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳимлиги ва мазмунини, солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўйилмаслиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг муқаррарлигини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. Каримов.**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 5 август.

Банк ва тадбиркор

# ҲАМ КРЕДИТ, ҲАМ МАСЛАҲАТ БЕРИШМОҚДА

**Фермер Фазлиддин Ибрагимовнинг чорвачилик йўналишидаги хўжалиги дуруст ишлаб турибди. Ҳар йили истеъмол бозорига тонна-тонналаб гўшт ва сут етказиб берилмоқда. Лекин, фермер хўжалигини янада кенгайтиришни мўлжаллади. Шу мақсадда мутахассислар ёрдамида бизнес-режа тузди. Кредит сўраб, «Пахтабанк»нинг туман бўлимига мурожаат қилди.**

Банк ходимлари унинг бизнес режасини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Фермерга 2 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ажратдилар. Ф.Ибрагимов бу сармоя ҳисобига қорамол сотиб олди. Фермада чорва туёғи кўпайгач, етиштирилаётган маҳсулот миқдори ҳам сезиларли ошди. Ўтган йили истеъмол бозорига 4 тонна 100 килограмм гўшт, 3 тонна сут чиқарилди. Яна бир хусусий тадбиркор Турғун Саидов қорамол сотиб олиш учун банкдан қарз сўраганида, унга йўқ дейишмади.

Бўлим фақатгина қорамол сотиб олиш учун кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига 30,6 миллион сўм кредит ажратди. Айни вақтда бошқа соҳаларда фаолият кўрсатишга аҳд қилган ишбилармонларга ҳам анчагина ҳажмдаги маблағ берилди. Чунончи, қишлоқ хўжалик техникаси ва уларга эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 9,4 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, маиший хизмат кўрсатиш йўналишига 7,1, бошқа тармоқлар бўйича эса 12,1 миллион сўм етказиб берилди.

— Имтиёзли микрокредитлар бериш 2000 йилнинг баҳоридан бошланган эди, — дейди «Пахтабанк»нинг Бўка туман бўлими бошқарувчиси Абдураҳим Чинтошев. — Шундай кредитлар сўраб мурожаат қилувчилар сафи сезиларли кўпайди. Жуда кам фоизли бундай қарзнинг тенг ярми нақд пулда берилиши ҳам уларни қизиқтирмоқда. Фақат чорвачилик фермасини кенгайтириш учун имтиёзли микрокредитлар бериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас эди. Туманимиз истеъмол бозори учун бошқа харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилиши зарур. Шуни ҳисобга олиб, банк қошида консалтинг хизматини йўлга қўйдик. Бу ерда ишлаётган мутахассислар тадбиркорлар билан обдон суҳбатлашадилар. Уларнинг билими, малакаси ва тажрибасини ҳисобга олиб, тадбиркорликнинг муайян йўналиши билан шуғулланишни таклиф этадилар. Ишбилармонлар маслаҳатларни ҳисобга олишяпти. Шунинг учун ҳам кредит маблағлар ҳисобига туман бозори учун ниҳоятда зарур бўлиб турган товар ва хизматларни йўлга қўйишга розилик бермоқдалар.

Масалан, шифокор Умарали Иноқовга хусусий бизнесни чорвачиликдан кўра касби бўйича стоматология хизматидан бошлашни маслаҳати берилганда, у бунга розилик билдирди. Тадбиркорга хусусий шифокорлик билан шуғулланиш учун 3 миллион сўм кредит ажратилди. Унинг «Фармстомасервис» деб номланган фирмаси туман меҳнаткашларига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам биргина ўтган йили бундан кўрилган нақд фойда 1 миллион сўмдан ҳам ошиқроқни ташкил этди. Ҳозир фирмада 6 киши ишламоқда. Тадбиркор хизматнинг қўшимча турларини жорий этиш, иш ўринларини яна иккитага кўпайтириш режасини амалга оширмоқда.

Банк ўтган йили кичик ва ўрта тадбиркорлик йўналишидаги 35 та лойиҳага сал кам 60 миллион сўмлик имтиёзли кредит берган эди. Бу йил унинг ҳажмини икки баробар кўпайтириш назарда тутилмоқда. Дастлабки ойлардаёқ тадбиркорлик бўйича 5 та лойиҳа маъқулланиб, унинг учун 10,5 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Банк ходимлари эндиликда аксарият холларда ўрни бўш бўлиб турган товар ва хизматларни кенгроқ қамраб олишга алоҳида эътибор беришмоқда.

*Ҳусанбой АВВАЛОВ.*

# Хусусийлаштиришга кенг йўл

**Пойтахтимиздаги халқаро бизнес марказида "Ўзбектелеком" акционерлик компаниясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Мазкур компания мамлакатимизда асосий оператор ҳисобланади ва аҳоли ҳамда бизнес тузилмаларга кенг кўламли телекоммуникация хизматини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, телекоммуникация тармоғи иқтисодиётнинг устувор соҳаларидан бирига айланди. Бу борада бошқарув тузилмасининг яхшиланиши ва соҳа самарадорлигининг оширилиши, аввалги "Маҳаллий Телеком" ва "Халқаро Телеком" компанияларининг бирлашуви натижасида жиддий ривожланиш содир бўлди. Бу ерда ходимлар йил давомида ягона "Ўзбектелеком" компанияси таркибида иқтисодий ва техник масалаларни ҳал этиш устида иш олиб борди.

Компания йирик инвестициялар туфайли маҳаллий тармоқда рақамлаштириш даражасини икки ҳиссага кўпайтирди, яъни 33 фоизгача етказди, шунингдек, Ўзбекистондан ўтувчи ҳамда Ғарбий Европани Хитой билан боғлайдиган замонавий оптик толали миллий магистрал тармоғини барпо этди.

Ўзбекистон ҳукумати қарорига мувофиқ, корхона акцияларининг 70 фоизи инвесторларга, шу жумладан 51 фоизи чет эллик инвесторларга сотилади.

*Жамшид РАУПОВ, ЎзА мухбири.*

# «КЕЛАЖАК» БОЛАЛАРИ

**Учинчи мавсум ёпилишига бағишланган кеча «Келажак» болалар оромгоҳида катта тантана билан ўтди.**

Сўлим ва хушҳаво тоғлар бағрида мириқиб дам олган болакайлар катта майдонни тўлдириб, гулхан атрофида рақсга тушишди. «Каноп» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасининг бош директори Ҳаким Жўраев оромгоҳ билан хайрлашиш кечасида болаларни табриклаб, уларга аъло ўқиб, мустақил Ўзбекистоннинг баркамол фарзандлари бўлиб етишиш тилагини билдирди.

— Ҳозиргача мингга яқин болани соғломлаштирдик, — деди оромгоҳ бошлиғи Зулфия Абдураимова. — Қўшма корхонамиз таъсисчилар бошқарувининг раиси Смикаль Либорнинг таклифи билан тўртинчи сменани ҳам бошлаб юбордик. Бугун оромгоҳимизда канопчиларнинг 245 ўғил-қизи, шу жумладан, хоразмлик 30 бола дам олдириляпти.

*Ўз мухбиримиз.*

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги

# МАҲАЛЛАДА ЯНГИ МАЖМУА



**Ангреннинг «Бўстон» маҳалласида истиқомат қилувчи катта-кичик ҳамма бу тадбиркорни қўли очиқ, феъли кенг, саховатли инсон сифатида ҳурмат қилишади.**

Мирҳалил Адиноматов ишбилармонлик билан шуғулланаётганидан бери халққа хизмат кўрсатиб, топган ҳалол даромадининг бир қисмини турли хайрли тадбирларга ажратиб келяпти. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатади, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳузурида тез-тез бўлиб, уларга совға-саломлар улашади. Айниқса, маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашади.

Шу йилнинг ўзида кўчаларни асфальтлашга салмоқли ҳисса қўшди. Шу туфайли маҳалладаги айрим йўллар анча равон бўлиб қолди. Бундан ташқари, таълим-тарбия масканларини таъмирлаш ва бошқа шу каби тадбирларнинг рўёбга чиқишига баҳоли қудрат қўмаклашди. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига ҳам муносиб совға тайёрлади. Ўз маблағи ҳисобига шаҳарда маиший-савдо шахобчасини барпо этди. Маҳалла ҳуснига мос бу маскан жамоаси шаҳарликларга ўнга яқин хизмат турини кўрсатмоқда. Миллий меъморчилик анъаналари асосида замонавий усулда қурилган бу ҳашаматли бино теварак-атрофга файз киритиб турибди.

*Висола ҲАЙДАРОВА.*

*СУРАТДА: тадбиркор М.Адиноматов янги ишга тушган маиший-савдо хизмати мажмуи олдида ангренлик кексалар билан суҳбатлашмоқда.*

Экологик фаолият

# ЯКУН ВА МУАММОЛАР

**Бу йил табиатни муҳофаза қилиш ходимларининг ўз ихтисослари билан боғлиқ қатор саналар нишонланди. Жумладан, умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни таъсис этилганига ўттиз йил бўлди. Мамлакатимиз экологларининг асосий фаолият дастури — Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганига ўн йил тўлди. Бу давр ичида вилоятда атроф-муҳит мусаффолигини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.**

Хусусан, ўн йил давомида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори икки ярим баробардан ортиқ камайди. Бундай чиқиндилар ҳажми илгари 800 минг тоннани ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб 300 минг тоннагача қисқарди. Сув ҳавзаларига ташланаётган ифлосланган сув миқдори эса, 3 баробардан кўпроқ озайди. Яъни, бундан ўн йил муқаддам оби-ҳаёт манбаларига 300 миллион куб метрдан ортиқ оқавалар оқизилган бўлса, шу давр ичида унинг ҳажми 98 миллион куб метрга тушди. Бундай натижаларга экологларнинг корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар меҳнат жамоалари билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш юзасидан олиб борган ишлари туфайли эришилди.

Табиатни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ўтаётган йилнинг биринчи ярмидаги фаолиятлари самараси ҳам дуруст бўлди. Атроф-муҳитнинг, сув ҳавзаларининг мусаффолигини таъминлашда янги ютуқларга эришилди, айни вақтда у ҳали барча имкониятлар тўла фойдаланилмаётганлигини ҳам кўрсатди. Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасининг куни-кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида шулар ҳақида гап борди. Унда вилоят қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари жамоаларининг ярим йиллик иш натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Шу даврда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ 180 та корхона ва ташкилотларда муфассал текшириш ўтказилди. Бу жараён мобайнида табиатни муҳофаза қилиш талаблари қўпол равишда бузилаётган кўпдан-кўп холатлар аниқланди. Унинг айбдорларига нисбатан турли хил жазо чоралари қўлланилди. Бу соҳада амалда бўлган қонунларни қўпол равишда бузган 227 нафар шахсларга бир ярим миллион сўмликдан ортиқ жарима солинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баробардан ҳам кўпдир. 24 нафар шахсга эса, 3 миллион 177 минг сўмлик товон тақдим этилди.

Шу даврда зарарли моддаларни атмосфера ҳавосига ва сув ҳавзаларига ташловчи 1400 тадан ортиқ манбалар текширилди. Натижада унинг 132 тасида ҳавога, 60 тасида сув манбаларига ифлослантирувчи моддалар меъёридан ортиқча ташланаётганлиги аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан чоралар белгиланди.

Ўтган ярим йилликда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулларини жорий қилишга алоҳида эътибор берилди. Бу йил 430 минг гектардан ортиқ экин майдонларига шундай илғор ва зарарсиз, экологик соф усул билан ишлов бериш назарда тутилган. Шу марранни муваффақиятли эгаллаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Вилоятимиздаги ўттизта биофабрика ва биолабораторияларнинг 26 таси бир маромда ишлаб турибди. Улар учун зарур биомаҳсулотлар ва хом-ашёлар сотиб олинмоқда. Вилоят қўмитаси бунинг учун табиатни муҳофаза қилиш жамғармасидан 4 миллион сўм ажратди. Биофабрикалар жорий йил давомида 127 килограмм трихограмма, 31 миллион дона бракон ва 50 миллионтадан ортиқ олтинкўз каби фойдали ҳашоратларни етиштириб берадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармасига экотўловлар тўлаш ҳам анча тартибга тушди. Ярим йилликда 38,5 миллион сўм жамғармага қўшилди. Лекин, ярим йиллик режа бажарилмади. Чунки, Ангрен ва Янги Ангрен ДИЭСлари, Ангрен кўмир кони, Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги «Электркимёсаноат»и ва бошқа шу каби корхоналар бу маблағларни буткул тўлаганларича йўқ.

Вилоятда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 17 корхонада турли иншоотлар қуриляпти. Бунинг учун 560,8 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш ўсиб бораётганлигига қарамай, табиат муҳофазасига қаратилган бошқа кўпгина чора-тадбирлар туфайли вилоятда экологик нуқсонлар ўтган йилги даражадан бирмунча камайди. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар 3,5 минг тоннага, очиқ сув ҳавзаларига оқавалар оқизиш 2,9 миллион куб метрга қисқарди.

Экологларнинг таъкидлашича, ҳали табиатни муҳофаза қилиш юзасидан амалга ошириш лозим бўлган ишлар анчагина. Бу эса, табиатни муҳофаза қилувчи барча ходимлардан янада зўр куч-ғайрат билан ишлаш, табиатга зарар келтирувчиларга нисбаган муросасиз бўлиш ва барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади.

# МАКТАБ БОЗОРЛАРИ



**Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятининг таркибий тузилмаларидан бири — «Тошкент» ҳиссадорлик жамияти Тошкент туманида ташкил этган мактаб бозори фаол ишлаб турибди.**

Гулистон, Чувалачи, Ҳасанбой, Кўктерак, Кўксарой қишлоқлари ва Келес шаҳрида, шунингдек ўндан зиёд мактабларда шундай бозорлар савдоси йўлга қўйилган.

Ўқувчиларга мўлжаллаб жами 3 миллион 800 минг сўмлик мактаб буюмлари пештахталардан жой олган. Шундан 1 миллион 800 минг сўмлиги дарсликлар, 500 минг сўмлиги ўқувчи кийим-бошлари, қолгани эса иш юритиш буюмларидир.

*СУРАТЛАРДА: Келес шаҳридаги мактаб бозори харидорлар хизматида.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



# УЛАР БОШҚАЛАРГА НАМУНА

**Чирчиқдаги етакчи саноат корхоналари жамоалари асосий маҳсулот билан бирга истеъмол бозорига мўлжалланган буюмлар ҳам ишлаб чиқармоқда.**

Бу соҳада «Электркимёсаноати», «Ўзбеккимёмаш» акциядорлик жамиятлари бошқаларга намуна бўлишяпти. Уларда кенг истеъмол молларини тайёрлаш жадал суръатлар билан ортиб бормоқда.

Чунончи, «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси жорий йилнинг биринчи ярми учун мўлжалланган режани анча ортиғи билан бажарди. Истеъмолчиларга етказиб берилган маҳсулот ҳажми 402 миллион сўмликка яқинни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати эса, 176 фоиздан ошиқроқ бўлди. «Ўзбеккимёмаш» корхонаси жамоаси қўлидан эса 158 миллион сўмлик шундай маҳсулотлар чиқди. Ҳозир бу ерда унинг юздан ортиқ хили тайёрланмоқда. Аҳолига эса 740 минг сўмлик турли хизматлар кўрсатиляпти.

*Ўз мухбиримиз.*

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




**61-модда. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.**

Мазкур моддада давлат ва дин орасидаги ўзаро алоқанинг ҳуқуқий шакли белгиланган. Ўзбекистон Республикасида дин ва диний бирлашмалар давлатдан ажратилган. Конституциявий тенг ҳуқуқлилик принципига кўра бир динга алоҳида кўпроқ ваколатлар бериш ва бошқаларини камситишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси динни давлатдан ажратишнинг моҳиятини конкретлаштиради, шунингдек, унинг мазмунини очиб беради.

Биринчидан, қонун давлат диний ташкилотларга ўзининг функцияларини юкламаслиги, диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмаслиги ва молиявий таъминламаслигини белгилайди. Давлат ва унинг органлари диний ташкилотларнинг ички фаолиятига аралашмайди, диний эътиқод ва маросимларни амалга ошириш масалаларини мувофиқлаштирмайди.

Иккинчидан, Конституция ва қонун барча диний ташкилотлар ва эътиқодларга тенг ҳуқуқлиликни кафолатлайди ва бир конфессияга бошқаси олдида имтиёзлар бермайди ва уни чекламайди.

Учинчидан, юқорида айтиб ўтилган фикрлар диний ташкилотлар жамият ҳаётида иштирок этмайдилар деган маънони билдирмайди. Аксинча, диний ташкилотлар ва уларнинг вакиллари жамият ҳаётида ўз низомларига мувофиқ равишда, қолган фуқаролар каби фаол иштирок этишлари мумкин. Бироқ, диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этишлари ва уларга молиявий ёрдам кўрсатишлари мумкин эмас. Диний ташкилотларнинг белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ҳимоясига олинган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Республикамиздаги вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хориждаги диний муассасалар билан биргаликда ўзаро муносабат ва алоқаларни амалга оширадилар, Ўзбекистон Республикасидаги диний ташкилотларнинг маълумотлар захирасини яратадилар ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қиладилар. Шу мақсадда уларга диний ташкилотларнинг раҳбарларидан зарур бўлган керакли ахборотларни талаб қилиб олиш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган тадбирларда иштирок қилиш, диний ташкилотларнинг илтимосномасига кўра давлат органлари билан шартномалар тузиш ҳамда давлат органларининг ҳал қилув қарори керак бўлган ишларда зарур ёрдамни кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хорижий диний ташкилотлар ўртасида ўзаро келишув ва муносабатни ўрганиш, диний ишлар билан шуғулланувчи бўлинмалар қошида диншунослар эксперт кенгашларини ташкил этиш, диншунослик экспертизасини ўтказиш учун диний ташкилот вакиллари ва инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича мутахассисларни белгилаш, бошқарув органлари ва суд талаби бўйича расмий экспертлик хулосасини тақдим қилиш ва бошқа хил ваколатлар берилган.

Диний конфессия негизида партиялар ташкил қилишга, диннинг давлат ҳаётига аралашувига йўл қўйилмайди.

Динни давлатдан ажратиш принципи бир қанча хорижий давлатларнинг конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган (Франция, Бразилия, Сенегал ва ҳоказо). Бир қатор мусулмон мамлакатларида давлат дини сифатида ислом дини (Афғонистон, Миср, Эрон,Ироқ, Покистон, Сурия ва ҳоказо),Исроилда эса яҳудийлик дини тан олинган. Бу каби мамлакатларнинг конституцияларида мазкур диннинг алоҳида мавқега эга эканлигини белгилаб берувчи қоидалар ҳам мавжуд. Давлат ва диннинг бирлашиши давлат механизмининг хусусиятини, шахснинг ҳуқуқий ҳолатини, суд тизимининг ташкил этилишини ва унинг фаолиятини белгилайди.

Ҳозирги кунда дунёда давлат дини бўлмаган, аксинча, ҳамма динлар орасида тенглик қонунлаштирилган давлатлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай мамлакатлар жумласига Германия, Италия ва Япония сингари давлатлар киради.

Дунёвий давлат бу — мунтазам равишда дин ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажралиши амалга оширилаётган, мажбурий давлат дини, даҳрийлик ҳамда диний ва динга қарши курашлар мавжуд бўлмаган давлатдир. Бундай давлатларда динлар ҳамда диний кўрсатмалар, йўл-йўриқлар ва қоидалар ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинмайди ва давлат органлари, шунингдек, дунёвий хусусиятга эга бўлган давлат маорифи тизимига таъсир кўрсатмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «дунёвий давлат» деган атама йўқ. Бироқ, унинг моҳияти қатор моддалар (12-,18-, 31-, 49-,58- ва 61-моддалар)да мустаҳкамлаб қўйилган. Шарқ фалсафаси ва ислом маданиятининг манбалари асосида маънавиятни тиклаш энг принципиал масала бўйича қарор қабул қилиш мамлакат ривожланиши дунёвий йўлини танлашни талаб этди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки дин инсонпарварлик, ахлоқий ғоялар, маънавий, миллий анъаналар ҳамда тарихий қадриятлар манбаи сифатида намоён бўлади.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

# ЭНГ ЯХШИ ДАВО — МУСАФФО ҲАВО



**Бундан чамаси икки йиллар аввал қўшнимиз Орзигул хола Қибрайдаги «Ботаника» санаторийсида соғлигини тиклаб қайтганди. Шунда унинг тўлиб-тошиб мазкур сиҳатгоҳдаги шарт-шароитлар, даволаниш имкониятлари ҳақида сўзлаб бергани эсимдан чиқмайди.**

**Бугунги кунга келиб санаторий такомиллашиб, шароитлари янада яхшиланди. 298 ўринга мўлжалланган ушбу гўша денгиз сатҳидан 560 метр баландликда, Чотқол тоғ тизмалари этагида жойлашган бўлиб, ҳавоси кислородга бой, табиат инъом этган маъданли сувларга мўл.**



Яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ёрдамида Европа андозалари асосида таъмирланиб, замонавий техника ва технология билан жиҳозланди. У ердаги УЗИ, компьютерли кардиограф, клиник-биокимёвий лаборатория ташхис қўйиш учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Даволаш бўлимлари янги ускуналар билан жиҳозланди. Лазер маркази ташкил этилди.

— Санаторийда табиий ва шакли ўзгартирилган физик омиллар билан даволаш учун шароитлар мавжуд, — дейди олий тоифали шифокор Салима Шералиева. — Санаторий жойлашган ернинг қуруқ ва мусаффо ҳавоси билан беморларни даволаш жуда қулай. Термал хлорид гидрокарбонат натрийли минерал сувлар ичишга, ванна ва душлар билан даволашга, меъда-ичакни ювишда қўлланилса, асаб касалликлари ва ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашга жуда катта ёрдам беради. Ҳордиқ чиқариш ва соғлиқни тиклаш учун беморларга узлуксиз 18 кунлик муолажа қилинади.

Бу санаторийда меҳнат қилаётган 18 нафар олий тоифали шифокор ва 47 ҳамшира беморлар кўнглини олиб, ширин сўзлари ва муомалалари, билан уларнинг дардига малҳам бўлаётирлар.

— Санаторийда инсон нафақат жисман, балки маънавий соғлом бўлишига ҳам етарли эътибор қаратилади, — дейди олий тоифали ҳамшира Барно Орифжонова. — 7000 китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона, ёзги-қишки клублар беморлар ихтиёрида.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 30 ўринга мўлжалланган бўлим ташкил этилган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда. Отахон ва онахонлар учун бўлимда барча шарт-шароитлар яратилган, улар учун дам олиш хоналари мавжуд бўлиб, шахмат, шашка, телевизор ва ҳовлиларга сўрилар қўйилган.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***



*СУРАТЛАРДА: сиҳатгоҳнинг кўриниши; шифокор Нодира Салоҳиддинова беморни кўздан кечирмоқда; сиҳатгоҳнинг сўлим жойлари.*
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# Сувдан самарали фойдаланиш — давр талаби

**Ҳозир деҳқонларимиз 4,3 миллион гектар суғориладиган ерда зироатчилик қиляпти.**

Бу майдонларда сув таъминотини тўғри йўлга қўйиш мақсадида сиғими 10 миллион кубометрдан 2 миллиард кубометргача бўлган 55 сув омбори қурилган.

Бундан ташқари, секундига 200 кубометргача сувни юқорига кўтариб берадиган 24 та улкан насос станцияси, дарёлар сувини тегишли миқдорда тақсимлайдиган қирққа яқин йирик гидроузел, ўнлаб канал ва коллекторлар, электр энергияси ишлаб чиқарадиган 28 та ГЭС ишлаб турибди.

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур гидротехник иншоотларнинг аксарияти бундан 30-40 йил илгари қурилган, барчасининг ҳам техник ҳолатини бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида йирик ва ўта муҳим сув иншоотлари хавфсиз ишлашини таъминлаш ҳамда техник ҳолатини яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилишда ана шулар ҳақда гап борди.

# Дўстлик — чегара билмас

**Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида "Ўзбекистон-Россия" дўстлик жамиятининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги дўстона алоқалар йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. 1998 йилнинг октябрида ташкил этилган "Ўзбекистон-Россия" жамияти ҳам бу борада катта ўрин тутади. Қисқа даврда кўп ишлар амалга оширилди. "Россия-Ўзбекистон" дўстлик жамияти билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Наврўз байрами, Мустақиллик, Конституция кунларига атаб маданият арбоблари билан учрашувлар, турли танловлар, кўргазмалар, конференция ва семинарлар ўтказилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет театрида "Янгра, гармон" республика фестивали бўлиб ўтди. У Ўзбекистон-Россия дўстлигининг ўзига хос рамзига айланди.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. "Ўзбекистон-Россия" дўстлик жамиятининг янги раиси этиб Олий Мажлис депутати, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов сайланди.

***Ҳ.СОДИҚОВА,***
***ЎзА мухбири.***

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР

| Тартиб рақами | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Тендер ўтказиладиган сана |
|---|---|---|---|
| | | **Зангиота тумани** | |
| 1 | 453 й.т. | Иттифоқ-Чорсу | 6 сентябрь 2002 й. |
| 2 | 454 й.т. | Иттифоқ-Фарход бозори | 6 сентябрь 2002 й. |
| 3 | 461 й.т. | Назарбек-Туркистон | 6 сентябрь 2002 й. |
| 4 | 462 й.т. | Гулчилик-Чорсу АББ | 6 сентябрь 2002 й. |
| 5 | 463 й.т. | Зангиота мақбараси-Чилонзор м.б. | 6 сентябрь 2002 й. |
| 6 | 464 й.т. | Боғзор-Фарход бозори | 6 сентябрь 2002 й. |
| 7 | 480 й.т. | Тўқимачилик ж/х-Фарход бозори | 6 сентябрь 2002 й. |
| 8 | 481 й.т. | Тўқимачилик ж/х-Чорсу АББ | 6 сентябрь 2002 й. |
| | | **Бўка тумани** | |
| 9 | 391 | Тошкент-Бўка | 13 сентябрь 2002 й. |
| 10 | 392 | Муратали-Пскент-Қўйлиқ | 13 сентябрь 2002 й. |
| 11 | 393 | Бўка-С.Саймаков | 13 сентябрь 2002 й. |
| 12 | 409 | Сегизбоев-Қўйлиқ | 13 сентябрь 2002 й. |
| 13 | 410 | Бўка-Бўка 2чи бўлими ж/х | 13 сентябрь 2002 й. |
| 14 | 413 | Бўка-Хўжақўрғон | 13 сентябрь 2002 й. |
| 15 | 249 й.т. | Бўка-Олмалиқ (Муратали орқали) | 13 сентябрь 2002 й. |
| 16 | 250 й.т. | Бўка-Қўйлиқ | 13 сентябрь 2002 й. |
| 17 | (б/н) й.т. | Бўка-Пскент | 13 сентябрь 2002 й. |
| 18 | (б/н) й.т. | Бўка-Паркент | 13 сентябрь 2002 й. |
| 19 | (б/н) й.т. | Бўка-Й.Хожиметов ж/х | 13 сентябрь 2002 й. |
| 20 | (б/н) й.т. | Бўка-Г.Азаматов | 13 сентябрь 2002 й. |
| | | **Ўртачирчиқ тумани** | |
| 21 | 345 й.т. | Тўйтепа-Қўйлиқ | 27 сентябрь 2002 й. |
| 22 | 422 й.т. | Тўйтепа-Қўйлиқ | 27 сентябрь 2002 й. |
| 23 | 424 й.т. | Туябўғиз-Қўйлиқ | 27 сентябрь 2002 й. |
| 24 | 425 й.т. | Қўйлиқ-Навоий | 27 сентябрь 2002 й. |
| 25 | 430 й.т. | Ким Пен Хва-Қўйлиқ | 27 сентябрь 2002 й. |
| 26 | 442 й.т. | Тўйтепа-Туябўғиз | 27 сентябрь 2002 й. |
| 27 | 443 й.т. | Тўйтепа-Янги ҳаёт | 27 сентябрь 2002 й. |
| 28 | 201 | Буюк Ипак Йўли м.б-№4 шах. Қабристони | 27 сентябрь 2002 й. |
| 29 | 359 | Беруний ж/х-Тўйтепа | 27 сентябрь 2002 й. |
| 30 | 427 | Қўйлиқ-Жалоир | 27 сентябрь 2002 й. |
| 31 | 428 | Тошкент-Пскент (Тўйтепа орқали) | 27 сентябрь 2002 й. |
| 32 | 432 | Тўйтепа-Ўртасарой | 27 сентябрь 2002 й. |
| 33 | 433 | Тўйтепа-Паррандачилик | 27 сентябрь 2002 й. |
| 34 | 434 | Тўйтепа-А.Икромов | 27 сентябрь 2002 й. |
| 35 | 436 | Тўйтепа-7 сонли ж/х | 27 сентябрь 2002 й. |
| 36 | 439 | Тўйтепа-Ғалаботир | 27 сентябрь 2002 й. |
| 37 | 442 | Тўйтепа-Кардиология | 27 сентябрь 2002 й. |
| | | **Оққўрғон тумани** | |
| 38 | 200 | Оққўрғон-9 бўлим | 8 ноябрь 2002 й. |
| 39 | 209 | Дўстобод-Дўстлик | 8 ноябрь 2002 й. |
| 40 | 301 | Оққўрғон-Сегизбоев | 8 ноябрь 2002 й. |
| 41 | 348 | Дўстобод-Қўрғонча | 8 ноябрь 2002 й. |
| 42 | 349 | Оққўрғон-Хонқа | 8 ноябрь 2002 й. |
| 43 | 351 | Оққўрғон-3 бўлим | 8 ноябрь 2002 й. |
| 44 | 354 | Оққўрғон-Дўстобод | 8 ноябрь 2002 й. |
| 45 | 358 | Оққўрғон-Элтамғали ж/х | 8 ноябрь 2002 й. |
| 46 | 360 | Оққўрғон-Х.Олимжон ж/х | 8 ноябрь 2002 й. |
| 47 | 361 | Ўзбекистон 5 йиллиги-Беруний | 8 ноябрь 2002 й. |
| 48 | 363 | Оққўрғон-Охунбобоев ж/х | 8 ноябрь 2002 й. |
| | | **Қуйичирчиқ тумани** | |
| 49 | (б/н) й.т. | Дўстобод-Қўйлиқ | 15 ноябрь 2002 й. |
| 50 | (б/н) й.т. | Дўстобод-Оққўрғон | 15 ноябрь 2002 й. |
| 51 | (б/н) й.т. | Дўстобод-Қўрғонча | 15 ноябрь 2002 й. |
| 52 | (б/н) й.т. | Дўстобод-Дўстлик | 15 ноябрь 2002 й. |
| 53 | (б/н) й.т. | 9 бўлим-Янги ҳаёт | 15 ноябрь 2002 й. |
| 54 | (б/н) й.т. | Ўзбекистон 5 йиллиги-Беруний | 15 ноябрь 2002 й. |
| 55 | (б/н) й.т. | Уяли бурилиши-Хамза бўлими | 15 ноябрь 2002 й. |
| 56 | (б/н) й.т. | Хамза-Қўйлиқ | 15 ноябрь 2002 й. |
| | | **Чирчиқ шаҳри** | |
| 57 | 504 й.т. | Чирчиқ-Ғазалкент (Бараж орқали) | 22 ноябрь 2002 й. |
| 58 | 526 й.т. | Чирчиқ-Абай | 22 ноябрь 2002 й. |
| 59 | 528 й.т. | Чирчиқ-Улуғбек қўрғони | 22 ноябрь 2002 й. |
| 60 | 570 й.т. | Чирчиқ-Ғиштқўприк божхонаси | 22 ноябрь 2002 й. |
| 61 | б/н | Чирчиқ-Бўстон | 22 ноябрь 2002 й. |
| | | **Паркент тумани** | |
| 62 | 364 | У. Юсупов-Шифохона | 29 ноябрь 2002 й. |
| 63 | 369 | Янгибозор-Қизилтоғ | 29 ноябрь 2002 й. |
| 64 | 380 | Паркент-Буюк Ипак Йули | 29 ноябрь 2002 й. |
| 65 | 381 | Қўйлиқ-Паррандачилик ф-си | 29 ноябрь 2002 й. |
| 66 | 384 | Паркент-Санганак | 29 ноябрь 2002 й. |
| 67 | 386 | Янгибозор-Чотқол-Жудуруқ | 29 ноябрь 2002 й. |
| | | **Зангиота тумани** | |
| 68 | 237 | Чорсу АББ-Дамаши балиқ хўжалиги | 6 декабрь 2002 й. |
| 69 | 238 | Чорсу АББ-Туркистон ж/х | 6 декабрь 2002 й. |
| 70 | 240 | С.Рахимов-Ўзбекистон ж/х | 6 декабрь 2002 й. |
| 71 | 241 | С.Рахимов м.б.-Улуғбек ж/х | 6 декабрь 2002 й. |
| 72 | 242 | Чорсу АББ-Ғишт заводи | 6 декабрь 2002 й. |
| 73 | 243 | Чорсу АББ-Манзарали боғ | 6 декабрь 2002 й. |
| 74 | 244 | С.Рахимов м.б.-Боғзор | 6 декабрь 2002 й. |
| 75 | 455 | Фарход бозори-Навоий ж/х | 6 декабрь 2002 й. |
| 76 | 457 | Зангиота-Олтин тепа | 6 декабрь 2002 й. |
| 77 | 460 й.т. | Фарход бозори-Шоимкўприк | 6 декабрь 2002 й. |
| | | **Тошкент тумани** | |
| 78 | 466 | Чорсу АББ-Абдурахмонов ж/х | 20 декабрь 2002 й. |
| 79 | 475 | Ғиштқўприк божхон.-Ю. Обод универ. | 20 декабрь 2002 й. |
| 80 | 475 й.т. | Ғиштқўприк божхон.-Ю. Обод универ. | 20 декабрь 2002 й. |
| 81 | 477 | Ю. Обод универсами-Кўктерак | 20 декабрь 2002 й. |
| 82 | 478 | Чорсу АББ-Шредер олийгохи | 20 декабрь 2002 й. |
| | | **Бўстонлиқ тумани** | |
| 83 | 539 | Ғазалкент-Боғистон | 27 декабрь 2002 й. |
| 84 | 540 | Ғазалкент-Бурчмулла | 27 декабрь 2002 й. |
| 85 | 542 | Ғалабасой-Дўстлик ш.х. | 27 декабрь 2002 й. |
| 86 | 544 | Дўстлик ш.х.-Чирчиқ | 27 декабрь 2002 й. |
| 87 | 551 | Ғазалкент-Чах Чам | 27 декабрь 2002 й. |
| 88 | 552 | Ғазалкент-Қизилсув | 27 декабрь 2002 й. |
| 89 | 555 | Ғазалкент-Чимён | 27 декабрь 2002 й. |

Вилоят ичида қатновчи шаҳарлараро ва шаҳар атрофи йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун **очиқ тендерлар ўтказилади.**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобил транспортида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарорига асосан, Тошкент вилояти ҳокимининг 2002 йил 19 июндаги 126-сонли қарори билан тузилган **Вилоят комиссияси.**

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри У.Юсупов кўчаси, 3 уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни ҳоҳловчилар Вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун, тендер ўтказиладиган санадан 5 кун олдин буюртма беришлари лозим.

**Вилоят комиссияси** Тендер таклифларини ўтказиладиган кундан 1 кун олдин соат 17.00 гача қабул қилади.

***Тендер ўтказиш манзили: Тендер жадвалида кўрсатилган туман ёки шаҳар ҳокимиятининг кичик мажлислар залида соат 15.00 да ўтказилади.***

***Маълумот учун телефон: 144-31-93.***

